

Ислом меъморчилигининг улуғворлигини дунёда кўрсата олган ажойиб масжид (биринчи қисм)



09:00 / 01.04.2021 2795

Масжидлар - бу дунёдаги Ислом меъморчилигининг энг ажойиб намуналари. Европанинг энг яхши меъморчилик услублари черковларда такомиллаштирилгани каби, мусулмонларнинг эътиқоди ҳам худди шундай ажойиб ва бетакрор кўринишдаги иншоотларга олиб келди. Уларнинг баъзилари минг йиллик асрларга бориб тақалади.

Мусулмонлар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинадаги уйлари (ҳозирги Саудия Арабистони) - бу биринчи бўлиб яратилган масжид деб ҳисоблашади. Ушбу иншоотнинг баъзи хусусиятларини ҳали ҳам ушбу мақолада келтирилган масжидлар

дизайнидан топиш мумкин. Шунга қарамай, бошқа масжид хусусиятларига турли хил услублар, жумладан, араб, маврит, византия ва бошқа дизайнларга таъсир кўрсатади.

Масжидларнинг баъзи умумий хусусиятлари орасида намозхонлар ибодат қилишлари мумкин бўлган марказий ҳовли, шунингдек миноралар ёки азон чақирилиши мумкин бўлган баланд миноралар мавжуд. Масжидларнинг ички қисмида намозхонларни Маккага йўналтиришга ёрдам берадиган меҳробни ўз ичига олади. Булар масжиднинг баъзи бир асосий хусусиятларидир, аммо ушбу муқаддас иншоотларда кўплаб бошқа элементларни топиш мумкин ва уларнинг жойлашуви ва меъморий таъсирига қараб фарқ қилиши мумкин.

Қуйида сиз азиз ўқувчилар учун дунёдаги 10 та ажойиб масжидлар ҳақида маълумотлар бериб ўтамиз:

«Султон Аҳмад» масжиди (Кўк масжид)

Султон Аҳмад масжиди ёки Кўк масжид — Туркиянинг Истанбул шаҳридаги улкан иншоот. Жума намози учун мўлжалланган масжид ёки жамоат ибодатхонасининг намунаси ҳисобланади. Масжид 17 асрнинг бошларида Усмонлилар империясининг қудратининг рамзи сифатида қурилган бўлиб, ушбу рўйхатдаги «Аё София» номли машҳур жоме масжиди ёнида қурилган.

«Султон Аҳмад» масжиди олтита баланд минора, бешта асосий гумбаз ва саккизта кичик гумбаздан иборат. Лойиҳа меъмори Седефкар Меҳмед Оға анъанавий исломий усуллар ва византия услубида қурилган «Аё София» масжидидан илҳомланиб, ушбу лойиҳадан андоза олиб яратди. У Султон Сулаймон ва бошқа машҳур биноларнинг маҳоратли меъмори Мимар Синанинг қўл остида таҳсил олди ва улуғвор масжидни яратиш учун мураккаб услублардан фойдаланди. Масжиднинг юқори қисмини безаб турган, қўл меҳнати ёрдамида бўялган 20 мингта плиткалар бунга энг ёрқин мисол бўла олади.

(Давоми бор)

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи